Гос. книжная палата УзССР

МИЛЛИЙ ПУЛИМИЗ — ОЙДИН ЙЎЛИМИЗ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 2 июль, шанба № 110 (21.714). Сотувда эркин нархда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Э. АЪЗАМОВНИ РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ РАҲБАРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — «ТАФАККУР» ЖУРНАЛИНИНГ БОШ МУҲАРРИРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Эркин Аъзамов республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари — «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири этиб тасдиқлансин ва шу сабабдан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 1 июль

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида республика оммавий-ахборот воситалари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Унда шу йилнинг 25 июнь куни республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президент Ислом Каримов ўртага қўйган масалалар юзасидан оммавий-ахборот воситалари ходимлари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Миллий валютамизнинг муомалага киритилиши, бозорни кенг истеъмол моллари билан тўлдириш, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жиноятчиликка, айниқса, коррупцияга қарши аёвсиз курашиш каби ўта долзарб муаммоларга матбуотда янада кенгроқ эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Жамиятимизнинг ривожига жиддий тўсиқ бўлаётган иллатларнинг илдизини тагтуби билан очиб ташлаш лозим. Айниқса, айрим ҳокимлар ва бошқа мутасаддилар ташкилотларнинг раҳбарлари жойлардаги нуқсонларни ўзлари вақтида очиш ва уларга қарши чора-тадбирлар кўриш ўрнига, бундай муаммоларни бошқалар кўтариб чиқса, тоқатсизлик қилаётгани, ҳатто баъзан журналистларга нисбатан тазйиқ ўтказаётгани қайд этилди. Энди бундай ўзбошимча раҳбарларга нисбатан зарур чоралар кўрилади.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев, матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА).

ШИФОХОНА ОЧИЛДИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг уч йиллигига қизғин тайёргарлик бошланган ҳозирги кунда Вобкент тумани марказида 120 ўринли шифохона фойдаланишга топширилди. Иншоотни барпо этиш учун 13 миллиард сўм-купон сарфланди.

1 июль куни шифохонанинг ишга туширилишига бағишланган тантанали митинг бўлди. Уни Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов очди. Унда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқиб, қурилишда фаол иштирок этган бунёдкорларга миннатдорлик билдирди, юртбошимиз ва республика ҳукумати инсон саломатлиги, айниқса навқирон авлод камолоти учун ғамхўрликни кучайтираётгани ҳақида гапирди.

Шу куни И. Жўрабеков Бухоро вилояти ҳокими ҳамроҳлигида шаҳар бозорларида бўлиб, аҳоли билан учрашди, нарх-наво хусусида қизиқди. Деҳқонлар бозорларда тартиб ўрнатилгани учун юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

(ЎзА).

ҒАЛЛАКОРЛАР МАРРАДА

Наманган вилояти ғаллакорлари давлатга 55 минг тонна дон етказиб бериб, давлат буюртмасини барвақт бажардилар. 43 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41—50 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Раҳимжон ИРИСОВ.



ЎЗЛИКНИ ТАНИШ

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш сари яна бир қутлуғ қадам ташлади. Миллий валютамиз муомалага чиқарилиши ҳар биримизда ғурур ва ифтихор туйғуларини оширмоқда. Чунки миллий валютамиз мустақиллигимизнинг яна бир рамзидир.

Қўлга янги пул — сўмимизни олиш билан ҳар бир ватандошимизда ўзлигини таниш туйғуси жўш уряпти. Буни, мен, айниқса, жамоадошларим — шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари ғурурланишида яққол кўрдим.

— Сўмимизнинг қадами қутлуғ келди,— дейди шойи тўқувчи Маъмура Паттоева.

Ишончим комилки, сўмимизнинг обрўси ва қуввати ортиб, мамлакатимизда тўкинчилик, фаровонлик қарор топишига хизмат қилажак.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
Наманган шаҳар кенгаши депутати.

Меҳнат фахрийси сифатида биринчилар қатори миллий валютамизни олдим. Ҳар хил қийматдаги пулларни бир-бир кўздан кечирдим. Шу топда кўнглим ғурурга тўлди. Чунки, сўмлардаги миллий рамз кўзга яққол ташланиб турибди. Шубҳасиз, янги миллий валютамиз чинакам мустақиллигимизнинг асосий рамзларидан бири бўлиб қолади.

Шуни таъкидлашни истар эдимки, янги чиқарилган сўмларимиз аввалги пулларга сира ўхшамайди. Ундан жонажон юртимизнинг бўйи анқиб турибди. Сифати ҳам жуда яхши, муомалага қулай. Июнь ойи учун 220 сўм нафақа олдим. Президентимизга, ҳукуматимизга раҳмат.

Йўлдошбой УСЕНОВ,
меҳнат фахрийси, нафақахўр.
Нукус шаҳри.

ОЙДЕК КЎРИНАР КЎЗИМГА

Халқимизда ҳар кимнинг ўзига, ой кўринар кўзига, деган ажойиб нақл бор. Очиғи янги пулимиз менга жуда маъқул бўлди. Кўриниши ҳам, сифати ҳам кўнгилдагидек. Шу боис ҳаммадан биринчи бўлиб стипендия олганимизда қалбимиз ғурурга, фахрга тўлди.

Ҳурматли Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан кейин бозорларда, савдо марказларида аҳвол ўзгарди-қолди. Шу сабабли стипендия олган кунимоқ бозорга бордим. Янги пулга анча арзон нархда ул-бул нарса харид қилдим.

Бошланиши ёмон эмас. Талабаларга ғамхўрликдан миннатдормиз. Биз халқимизнинг ҳар қандай хизматига тайёрмиз. Қолганлар ҳам иқтисодий қийинчиликларни, бугунги ташвишларни тўғри тушунадилар ва оқилона енгишга ҳаракат қиладилар, деган умиддамиз.

Дилдора РАҲИМОВА,
Самарқанд давлат дорилфунуни 3-курс талабаси.

• Муҳаррир минбари

Кеча мамлакатимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган воқеа рўй берди: Ўзбекистон ишончли, бардошли ўз пулини муомалага киритди. Севикли Ватанимизнинг муқаддас рамзлари муҳрланган ўзбек пулига дилда зўр ифтихор билан назар ташлаймиз. Унда Ўзбекистон Давлат герби, юртимизнинг жаҳонга машҳур ёдгорликлари тасвири туширилган. Унда камалакнинг етти ранги гўё диёримиз табиатидан қувват олгандай товланиб турибди. Ҳали йиллар, неча-неча даврлар ўтади. Лекин 1994 йилнинг 1 июли муҳим тарихий воқеа сифатида ёдга олинаверади. Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан Олий Кенгаши Раёсатининг қўшма мажлисида шундай дедилар: «Мустақил Ўзбекистон халқи буюк воқеа арафасида турибди. Биз иқтисодий мустақиллик йўлида янада улкан қадам ташлаяпмиз: ўз миллий пулимизга эга бўляпмиз. Аслини олганда — бу ҳам бир саодат. Биз бунн теран ҳис этишимиз, миллий пулимизни янги туғилган фарзанд каби бағримизга босишимиз, у билан ғурурланишимиз, асраб-авайлашимиз, куч-қувватли, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозим». Бу сўзлар Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросида чексиз фахрланиш, ғурурланиш туйғусини уйғотадики, бунинг аҳамиятини вақт ўтган сайин кучлироқ ва теранроқ ҳис этамиз. Юртбошимиз «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонига имзо чекканда халқимиз бу тарихий ҳужжатни зўр шоду ҳуррамлик билан, келажакка ишонч билан кутиб олди. Ҳа, қўлимизга олган миллий пулимиз байроғимиз, туғромиз, мадҳиямиз, Конституциямиз сингари давлатимиз ва халқимизнинг рамзи, мустақиллигимизнинг муқаддас белгисидир! Мана энди биз дунё билан тенгма-тенг муомала қиламиз. Эндиги асосий вазифамиз — пулимизнинг харид кучи, қуввати, қадрини ошириш, халқимизнинг юксак ор-номуси ва ғурурини жаҳон миқёсида сақлай билишимизда қолган.

Келажакда пулимизнинг қадрини сақлаш учун бугундан, айни шу дақиқалардан ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бунинг маъноси баъзилар ўйлаётганидан анча чуқуроқдир.

Хўш, пулимиз қудрати ва қадрини қандай қилиб оширишимиз мумкин? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва экспорт иқтисоднятини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини синчиклаб ўқиган киши бунга тўла жавоб топиши мумкин. Агар диққат билан қаралса, ҳозир маънавият ва иқтисоднёт бир нуқтада туташадиган палла келди. Балки бу фикр кимларгадир ғайритабиий туюлади. Лекин биз иқтисодий жабҳадаги марраларга фақат юксак маънавият орқали эришишимиз мумкин. Ўзбек халқи бой маънавий маданий мерос, шарқона ва умуминсоний қадриятларга эга эканлиги бутун дунёга аён. Зотан, халқимизнинг тарих синовларидан эсон-омон ўтиб келганлигининг илдизлари ҳам ана шундадир. Дам Мағрибдан, дам Машриқдан бизга не-не хуружлар бўлмаган дейсиз? Халқимизни ер юзидан супуриб ташлашгача ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун не-не зўравонлар муқаддас тупроғимизга бостириб кирмаган дейсиз? Аммо Ўзбекистон бугун ҳам жаҳонининг мана-ман деган мамлакатлари билан тенгма-тенг муомала қиляпти. Бизни дунё таниди, тан олди. Агар шу пайттача Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрнини табиий бойликлари, меҳнаткаш халқи, табаррук замини белгилаб келган бўлса, эндиликда миллий валютаси ҳам сўзини ўткир, однимни дадил, қаддини ўктам тутишида ҳал қилувчи омил бўлмоғи керак.

Дарҳақиқат, маънавият ва иқтисоднётни бир-биридан холи тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, маънавиятнинг иқтисоднётга таъсири жуда катта. Улар бамисоли темир йўлнинг икки изига ўхшайди. Мустақил ҳаёт поезди ана шу йўллардан боражак. Маънавияти, маърифати ва қадрияти юксак халқ ҳамиша тарихда кучли бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ва ниҳоят, юртбошимизнинг айни миллий валютани муомалага киритиш ҳақидаги Фармонга имзо чеккан кунида болалик онларига давлат иқтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида Фармон қабул қилгани келажаги буюк Ўзбекистонимиз ҳақида муттасил ғамхўрлик кўрсатилаётганлигининг яққол белгисидир. Бизнинг халқимиз болажон, серфарзанд халқ. Биз бу билан фахрланамиз. Дунёнинг кўпгина халқлари айнан шу борада ҳам бизга ҳавас кўзи билан қарайдилар. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда болали онларни иқтимоий кафолатлаш ғоятда муҳимдир. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз. Чунки келажаги буюк Ўзбекистонимизни айнан шу ёш авлод янада юксакларга кўтаради. Ҳамма гап энди ёш авлодни чин маънода ишбилармон ва тадбиркор инсонлар қилиб волга етказишда қолган.

Пулимизнинг қадрини ошириш учун экспорт имкониятларимизни кенгайтириш, маҳсулотларимизни жаҳон меъёрлари даражасига етказиш каби долзарб масалалар бугун иқтисоднётимизнинг барча жабҳалари олдида кўндаланг турибди. Бу вазифаларни шарқона доноймандлик, чинакам тадбиркорлик ва эпчиллик билан бажаришимиз талаб этилади. Мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий қадам чин маънода қутлуғ бўлиши, миллий пулимиз юксак мавзилларга поёндоз бўлишига астойдил ишонамиз.

ТАРИХИЙ ҚАДАМ

ҲАР ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Куни кеча Сизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қуйибпишиб, оддий халқни ҳимоя қилиб, мамлакатимиз истиқболини кўзлаб сўзлаган нутқингизни телевидение орқали эшитиб, халққа, Ватанга фидо бўлгингизга иймон келтирдик.

Аммо Сизнинг қатор йиғилиб ўтирганларга қарата берган саволларингизга улар ломлим демаганини, Сизга ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ сўзлашдан қўрққанини кўриб ҳайрон қолдик. Шошилинч равишда қўлимизга қалам олиб, жонли, ҳаққоний, виждонли сўзлар билан қуйида содир бўлаётган, айниқса халқимизнинг ҳаётига, яшашига, уларнинг бола-чақаларининг соғлом бўлиб ўсишига тўсиқ бўлаётган, қонунга, шариатга хилоф ишларни Сиздек халқпарвар Президентимизга маълум қилишга жазм этдик. Кейинги мулоқотда иштирок этадиган, Сизга ёрдам бериш ўрнига ўз нафсини кўзлаб ишлаётган айрим ғаразгўй мансабдор шахсларга бизнинг виждонимиз азобланиб ёзган ушбу хатимизни ўқиб эшитгириб, уларнинг очиқ фикрини билишингизни илтимос қиламиз. Улар биз ёзган фикрга қандай қарайдилар? Шунда раҳбарнинг сараги-сарак, пучаги-пучак бўлади. Раҳбарки, тили қисиқ бўлса, ундан халққа бирон манфаат тегмайди, буни тарих, ҳаёт исботлаб турибди.

Республикамизда давлат тасарруфидаги идоралар, ўқув масканлари, тиббиёт, нафақа аҳли маблағ билан фақат ҳукумат томонидан таъминланади. Давлат эса бу ишни солиқ сиёсати орқали амалга оширади. Жойлардаги мансабдор шахслар нечоғли жон куйдириб, солиқ жамғармасини «ҳалол» тўплаётганига қуйидаги мисол орқали Сизнинг эътиборингизни жалб қиламиз.

Республикада 600 дан зиёд бозор мавжуд, шундан 140 дан кўпроғи йирик шаҳар бозори. Битта мисол: биз «Чорсу» деҳқон бозорида бўлаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Бозор ғавжум, айниқса, шанба, якшанба кунлари юриб бўлмайди. Бозорда савдо-сотиқ қизғин, деҳқончилик маҳсулотларини сотувчилар энг камида 6—7 минг кишини ташкил этади. Паттачининг ҳар қайси сотувчидан бир челак ёки бир тоғора юки учун 5 минг сўм-купон, ҳатто бошқа бир хил савдо билан шуғулланувчилардан 10—15 минг сўм-купон олиб, патта бермай кетганини кўриб, тавба дея ёқа ушладик. Сиз ўзингиз иқтисодчи, етук мутахассиссиз. Ҳисоблаб кўринг, камида 30—40 миллион сўм-купон даромад тушади. Шу давлат хазинасига тушаётирми? Кимларнинг чўнтагига тушаётир, бу сағир-етимлар ҳақи бир кунмас бир кун тешиб чиқади-ку! Бундай аҳвол давом этаверса, давлат қайдай қилиб бойийди? Хўш, бу аҳволда иқтисодий сиёсатни қандай қилиб тўлиқ бажара оламиз?

Бизнинг хатимизнинг ҳаққоний эканини билишни истасангиз, оддий, ҳаражат талаб қилинмайдиган усул бор. Тошкентдаги йириқ бозорларга — мол бозорига, «Ипподром»га ишчи, хизматчи ва депутатлардан иборат бир гуруҳ ишончли кишилар эрта тонгдан бориб, улар ҳар бир сотувчига қонуний патта чекини тарқатсалар, бир кунлик ўшум қанча бўлгани, қанчаси ҳаромхўрлар чўнтагига тушиб кетаётганини билиб олиш мумкин. Кейин бунга шаҳар, туман бозоркомлари, назорат қилувчи солиқ бошқармаси раҳбарлари очиқ жавоб бериши керак! Бизнинг шу саволимизга очиқ жавоб берсинлар!

Деҳқон пешона тери билан етиштирган маҳсулотни, гўштни бозорга олиб келиб, ўзи хоҳлаган нархда сотишни истайди. Аммо бозорларни эгаллаб олган бир тўда юлғичлар уларни қўрқитиб, бизга шу нархда сотасан, деб келтирган молини ярим баҳога олиб, икки баравар қимматга сотаётгани учун айниқса ночор, кўп болали меҳнаткашга жабр бўлмоқда. Буни аниқлаш ва олдини олиш учун, бензин танқислиги борасидаги ўзингиз айтган чора-тадбирни қўллаб, 2—3 кун муддатга хавфсизлик хизмати ходимлари оддий кийиниб, харидор сифатида бозор аҳволи билан киши билмас танишсалар, имкони борича, суратга олиб борсалар, деҳқон қонини сўрувчиларни билиб оладилар. Ана шу далиллар ҳукумат чора кўриши учун асос бўлади. Бу ножўя ишнинг тезкорлик билан олди олинмаса, у халқда норозилик уйғонишига сабаб бўлиши мумкин. Ишончимиз комилки, Сиз албатта бундай ножўя ишнинг олдини олиш чорасини кўрасиз.

Сиз бир гапни тўғри айтдингиз, ҳақиқатан ҳам деҳқон маҳсулотини арзон нархда сотмоқчи бўлса-да, юлғич, муттаҳамларнинг биз айтган нархда сотасан, бўлмаса кунингни кўрсатаман, деган сўзини эшитгач, қиммат сотишга мажбур бўляпти. Бозоркомлар эса деҳқон ёнига кириш ўрнига ўзини четга олади. Бу аҳволнинг олди олинмаса, қимматчилик давом этиб, халқ қийналиб қолади, албатта.

Олимлар жон куйдириб, ёш авлоднинг келажагини ўйлаб, кўп марта телевидение, радио, матбуотда ёш болаларни пулга ўргатмаслик, сигарет, газ сувларини кўчаларда сотиб маслик ҳақида ташвишланиб гапирмоқдалар. Аммо ўз фарзанди келажагини ўйламаган кўплаб ота-оналар болаларини шундай йўлга ўтишга ўргатмоқда. Ота-боболаримиз ҳам балоғатга етмаган болаларни шундай йўл билан пул топишга ўргатмаган. Бола пулга ўрганса, ундан келажакда қандай яхшилик кутиш мумкин?

Кўча-кўйларда стол қўйиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз, патентсиз сигарет, чет эл моллари сотаётган ёшларни кўриб, ёқа ушлайсан киши. Қани Давлат солиқ инспекцияси, қани назоратчилар? Бундан кимлар фойда кўряпти?

Тошкентда неча юз маҳалла бўлса, ҳар маҳаллада 3—4 тадан новвой бор. Ҳаммасининг қўлида патент борми? Унни улар қаердан олади? Илгариги 24 тийинлик оби нонни 1200 сўм-купон, патирни 2500—3000 сўм-купонга сотяпти-лар. Уларнинг ҳаммасида патентлари борми-йўқми? Солиқ инспекторлари нима иш қиляпти?

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Биз уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари Сизнинг олиб бораётган ишингизни, айниқса, меҳнаткаш халққа қилаётган оталарча ғамхўрлигингизни, республикани буюк давлатлар қаторидан ўрин олиши йўлида қилаётган тинимсиз меҳнатингизни, ички ва ташқи сиёсатингизни қўллаб-қувватлаймиз. Бини кўролмайдиганлар улуғ аллоҳнинг ғазабига дучор бўлсинлар. Сизга яратганнинг ўзи соғ-саломатлик, куч-қувват, сезгирлик ато қилсин, Порахўрларга инсоф берсин. Ўткинчи дунё — маишат, деб юравермасдан аллоҳдан келадиган муқаррар жазони эсга олсинлар. Халқнинг кўз ёшини тўкиб тўплаган дунёсига, жонига, молига келадиган даҳшатли офатларни эслашсинлар. Бизлар бундайларни ҳаётда кўп учратганмиз. Шунинг учун ачиниб ёзмоқдамиз. Аллоҳ уларни ҳам инсофга, диёнатга даъвет этсин, омин. Агар Сиз танлаган раҳбарлар Сиздек халқ ғами билан ишласалар, бу Турон ўлкаси дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан бирига айланишига ҳамма шароит мавжуд.

Бизнинг куч-қувватимиз бор вақтда шундай адолат ҳукм сурганида, албатта жонимизни фидо қилиб ишлаган бўлур эдик. Афсуски, кексайиб қолдик. Фақат халқ фаровонлигини ошириш учун нима ишлар қилиш кераклигига ақлимиз етади.

Муҳтарам Президентимиз! Биздек кўпни кўрган, турли қийинчиликларни бошидан кечирган, шу азиз Турон ўлкасининг ватанпарвар қариялари ёзган мана шу очиқ хатни қимматли вақтингизни аямай эшитгиз ўқиб чиқсангиз, хатда ёзилган айрим воқеалардан хабардор бўлиб, навбатдаги мажлисларда шу ишларга масъул бўлган мансабдор шахсларга хатда кўрсатилган ҳақиқат юзасидан савол бермасангиз, деб илтимос қиламиз. Чунки уларнинг жавобини эшитиб, нима бўлаётганини, ким ўз вазифасига содиқ, ким содиқ эмас эканини билиб оласиз. Биз телевидение орқали кузатиб бордик. Уша куни сўзлаган ҳамма раҳбар хатда кўрсатилган фактларга ўхшаш ишлар хусусида гапиришдан ўзини тортди. Еган оғиз уялади, деган гап — ҳақиқат. Улардан кўпларининг тили қисиқ. Уларга нима етмаяпти?

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Яна кўп фикр-мулоҳазаларни ёзишни лозим деб топсакда, хатнинг чўзилиб кетишини ҳисобга олиб, баён қилинган ножўя ишларга барҳам бериш учун тегишли ташкилотлар ёрдамида тезкорлик билан чора кўрилишига ишониб, ушбу хатни мухтасар қилдик.

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов туманидаги «Пахтакор» маҳалласи кексалари номидан: УМИДОВ Маҳмуджон, МИРУСМОНОВ Жўра, ОДИЛОВ Миржалол, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, МИРЗАЕВ Йўлдош, ХУЖАЕВ Анвар, БИХУЖАЕВ Маҳамматҳўжа, ҒУЛОМОВ Ҳамид, АЮПОВ Туроб, меҳнат фахрийлари.

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

Муборак республикамиздаги саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланаётган туманлардан бири. Муборак шаҳри ва тумани меҳнаткашлари мустақил давлатимизнинг эртанги куни янада порлоқ бўлиши учун халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фидокорона меҳнат қилишяпти. Қайси ташкилот, хўжалиқ, корхона, муассасада бўлманг қайноқ меҳнат устидан чиқасиз. Илғор зиёлилар, пешқадам ишчилар, матонатли чўлқуварлар, иродали деҳқонлар, хуллас, қайси касб эгаси билан гурунглашманг, халол ва меҳнатсевар кишилар орасида ХДП аъзолари борлигидан фахрланиб гапиришади. Бу шундан далолат берадики, ХДП аъзолари барча жабҳада фаол. Улар ижобий хислатлари билан бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Муборак туман кенгашининг биринчи котиби Бобоқул Нурмаматов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Ўзингиз саркотиблик қилаётган туман кенгашининг шу кунларда олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Туманимизда 41 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар ҳисобида 884 нафар ХДП аъзоси бор. Аъзоларимизнинг аксарияти ўзлари меҳнат қилаётган жамоада халол меҳнати билан обрў-эътибор қозонишган. Улар мустақил юртимизнинг барча соф фикрли, яхши ниятли фуқаролари қатори мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, ободлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, эл фаровонлиги учун зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришяпти.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, туманимизда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлишни хоҳловчилар сафи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биргина ўтган йили 60 нафарга яқин ишчи-хизматчи партия сафига қабул қилинди. Улар кимлар? Аҳил оилани бошқараётган ёки тинч-тотув хонадонда камол топаётган, маҳалласида, ишхонасида ҳамма ҳурмат қиладиган, партия Низоми ва Дастури билан чуқур танишиб чиққан халқпарвар, ватанпарвар, ишончли кишилардир.

— Муборак — қўриқ туман ҳисобланади. Жамоа-ширкат хўжаликларининг аксарият қисми чўл бағрида ташкил этилган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида телефон алоқаси, техника-транспорт масаласи бироз мураккаблашган пайт. Демоқчиманки, чўлқуварлар билан мулоқотда бўлиш раҳбарлар, масъул идоралар, шу жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши аъзоларига ҳам анча қийинчилик туғдирса керак.

— Бозор иқтисодиёти муаммолари — бу давр тақозоси. Бу мураккабликлар ўткинчи. Матонатли чўлқуварлар қўриқ ерларда пахта экиб, боғ яратиб, тўкинчилик ишида фидокорлик қилаётган бир пайтда туман раҳбарлари ҳам халқ билан бирга бўлишяпти. Аҳолининг яшаш ва ишлаш шароити, дам олиш имкониятлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Фахр билан айтиш мумкинки барча жамоа, ширкат хўжаликларининг раҳбарлари партиямиз аъзоларидир. Бошқарув раислари, етакчи мутахассислар, илғор ишчилар ХДП аъзоси бўлганлиги учун ҳам омма орасида партиямизнинг нуфузи ортиб бормоқда.

— Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси кенг тарғиб қилинмоқда. Бу борада сизларда қандай ишлар амалга оширилянти?

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси яратилганлиги айни муддао бўлди. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий йўналишлар пухта ҳисобга олинган. Унинг ғояларини халқимиз онгига сингдириш борасида ХДП аъзолари фаоллик кўрсатишяпти. Бунинг учун ҳар бир партия аъзосининг ўзи сиёсий жиҳатдан етук, билимли, ташкилотчи ва ташаббускор бўлиши керак. Шу боис мафкурамиз тарғиботчилари ва ташвиқотчилари сафига ХДП фаоллари танлаб олинган. Улар Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга жорий этиш, халқимизнинг азалий анъаналари, қадриятлари, урф-одатларини тиклаш, тилимиз, динимизни қадрлаш меҳр-оқибатли, адолатли, саховатли бўлиш, кўпмиллатли аҳолининг бир оила аъзолари сингари аҳил ва иноқ яшаши ва меҳнат қилиши, мустақил республикамизни янада мустаҳкамлаш, юртбошимиз олиб бораётган одилона ички ва ташқи сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаш, республикамиз раҳбарияти томонидан чиқарилаётган Фармон ва қарорларнинг бажарилишини таъминлашда фаолдирлар.

Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларидан тўла фойдаланяпмиз. Туман ҳокимлигининг газетаси «Дўстлик байроғи» саҳифаларида ХДП ҳаёти, фаол партия аъзолари ҳақида мақолалар берилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий телевидение орқали чиқишлар қилянмиз.

—Ташаббускор, ташкилотчи ва фаол аъзоларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Бажонидил. Биз ҳамиша фаолларга таянамиз. Ташкилотчи ХДП аъзолари ҳақида гап кетганда «Муборак» давлат паслчилик заводи бошланғич партия ташкилоти котиби Абдурайим ака Темиров, мазкур хўжалик директори, вилоят партия кенгашининг аъзоси Ҳайит ака Оқматов, «Қарлиқ» жамоа-ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Ғайрат Қобилов, «Мураккгаз» конлари бошқармаси, «Хитой» ва Аметхон Султон номли жамоа-ширкат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотларининг котиблари Валентин Тарбурин, Абдусалом Норбўтаев, Муфтулла Файзуллаевларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Эришилаётган ютуқлар, аввало, раҳбарнинг ташкилотчилигига боғлиқ.

— Келгусидаги режаларингиз ҳақида ҳам билмоқчи эдик.

— Режаларимиз катта. Республикамиз Президенти томонидан олиб борилаётган тинчлик сиёсатини, партиямизнинг Миллий истиқлол мафкурасини халқ орасида тарғиб қилишда, иқтисодий ислоҳотлар, фан ютуқларини ҳаётга татбиқ этишда партия аъзолари фаоллик кўрсатадилар. Ҳар бир ишда муваффақият қозонишда туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам бермоқда. Бундай ҳамкорликни изчил давом эттирамиз.

Суҳбатдош Абдулла АЙИЗОВ.

ДЎСТЖОН ОҒАНИ ЙЎҚЛАБ

Тўғриси, Дўстжон Матчон десангиз ҳозир 20—30 ни «уриб» қўйган йигитлар ҳам мийиғларида бир кулиб қўйишади. Негаки, уни ҳамма таниб, шеърларини ёддан айтиб юради. Ана шу болажон шоир бугун тирик бўлганида Хоразмда бўлиб ўтган ўзининг етмиш йиллик тўйида даврани тўлдириб ўтирарди. Афсус, йиллар шафқатсиз, умр ҳар кимга ҳам вафо қилавермас экан. Лекин Дўстжон оғадан эсласа арзигулик хотиралар қолди. Айниқса, таваллуд кунининг катта байрам сифатида ўтказилгани қувончли. Шоир туғилиб ўсган Янгибозор туманн ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши ташаббуси билан «Ширин қўнғироқ» жамоа хўжалиги боғидаги кечага шоир ва ёзувчилар, вилоят жамоатчилиги вакиллари, шеърият мухлислари йиғилдилар.

Тўйга айланиб кетган бу йиғинда Дўстжон оғани кўрган, билганлар, издошлари унинг номини хотирлаб, руҳини шод этдилар.

Қ. МАТРИЗАЕВ.

ХАЙРИЯ—ЭЗГУ АМАЛ

Муассаса ёки ташкилоти жойлашган маҳалла фаолиятига яқиндан кўмак бераётган савобталаб ташкилотлар талайгина. Яқинда Тошкент шаҳар божхона хизмати идораси Яккасарой туманидаги «Миробод» маҳаллий бошқарув қўмитаси ҳисобига беш миллион сўм-купон маблағ ўтказди. Бу маблағ ана шу маҳаллаларда истиқомат қилаётган қаровчиси бўлмаган қариялар, эҳтиёжманд оилаларга турли маросимларни ўтказишга сарфланади.

Маҳаллалар аҳли кўрсатилган мурувват учун пойтахт божхона хизмати идорасидан миннатдор.

(ЎзА).

Tabani GROUP OF COMPANIES



"Табани групп оф компаниз" фирмалари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовни ва бутун ўзбек халқини буюк воқеа- миллий валюта муомалага киритилиши муносабати билан чин дилдан муборакбод этади.

Бу қутлуғ қадам Ўзбекистон иқтисодиётини янада жонлантиради, чет эл инвесторларини кўпроқ жалб этади, ҳамда "Буюк ипак йўли" узра бизнесга кенг йўл очади, деб ишонамиз.

Энг яхши тилаклар билан

"Табани групп оф Компаниз"нинг ўрта Осиё ваколатхонаси бошқарувчиси

Муҳамад Аббос Хон.

Б. Миробод кўчаси, 158.
Тел: 54-06-70, 54-07-98.
Факс: 54-08-30.
Телекс: 116416 TBANI SI

ЎЗБЕКИСТОН ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида навбатдаги савдо бўлди. Унда АҚШ долларини Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўмга алмаштириш қиймати аниқланди. Савдода хорижий валютада операция ўтказиш ҳуқуқи бўлган олтита банк дилерлари иштирок этди. Сотилган валютанинг умумий қиймати 1550 минг АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ доллари қиймати 7 сўм даражасида қайд этилди. Бошқа валюталарнинг сўмга нисбати уларнинг АҚШ долларига нисбатан қийматига қараб белгиланди.

х х х

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълум қиладики, 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қиймати белгиланган:

1 Австралия доллари	5.10
1 Австрия шиллинги	0,63
1 Англия фунт стерлинги	10.82
10 Бельгия франки	2.14
1 Голландия гульдени	3,93
10 Греция драхми	0.29
1 Дания кронаси	1.12
1 АҚШ доллари	7.00
1 Миср фунти	2.07
1 Ирландия фунти	10.64
1 Исландия кронаси	0.10
10 Испания песети	0.54
100 Италия лираси	0.45
1 Канада доллари	5.07
1 Қувайт динори	23.70
100 Ливан фунти	0,12
1 Германия маркаси	4.41
1 Норвегия кронаси	1.01
10 Португалия эскудоси	0.43
1 Сингапур доллари	4.59
1000 туркия лираси	0.22
1 Финляндия маркаси	1.33
1 Франция франки	1.29
1 Швеция кронаси	0.92
1 Швейцария франки	5.25
1 ЭКЮ	8.44
10 Япония иенаси	0.71
1000 Россия рубли	3.53
1 Эстония кронаси	0.55
1000 Украина карбованеци	0.40
1 Латвия лати	12.61
1 Литва лити	1.75
1 Қозоғистон тенгеси	0.16
1 Молдова лейи	1.73
1000 Беларусь рубли	0.26

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

АНДИЖОНДА «ЖАҲОН» БОЗОРИ

МАРКАЗИИ ОСИЁДАГИ ЯГОНА БУ ЙИРИК ИНШООТ ЖАДАЛ ОДИМЛАР БИЛАН ТИКЛАНМОҚДА

Қадим Шарқда шаклланган шундай бир одат бор: хориждан келган меҳмонларни ўз юрти ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишлари учун мезбонлар уларни бозорга бошлашган. Расталардаги тўкин-сочинлик, файзу тароват бир зумда чет эллик сайёҳларнинг қалбини сеҳрлаб олган ва уларда бу юртдаги меҳнаткаш, фидоий одамларнинг яшаш шароити, турмуш тарзи ҳақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўлган. Шундай ёндошув мустақил Ўзбекистонимизда ҳам одатдаги ҳолга айланиб бормоқда. Бозорларимиз чинакамига ўзининг шарқона қиёфасига эга бўлиб боряпти. Андижонда қурилаётган «Жаҳон» бозорининг улкан иншоотидаги ишлар ниҳоясига еткач, у мамлакатимиздагина эмас, яқин хориждаги менман деган бозорларни ҳам доғда қолдиради.

— Вилоят ҳокимлигининг алоҳида эътибори боис бозор қурилишидаги ишлар тезда юришиб кетди,— дейди бозор директори Бозорбой Ҳажиматов.— Андижон шаҳрининг шимолий қисмидан шу мақсад учун ажратиб берилган 10 гектар майдон кейинчалик кенгайтирилиб 22,5 гектарга етказилди. Андижон шаҳар меъморчилик ва қурилиш бўлими лойиҳачилари тайёрлаган лойиҳага мувофиқ ўтган йилнинг 1 июлидан бозорни тиклашга киришилди. Унга вилоятдаги еттита қурилиш трестининг ўнга яқин қурилиш бошқармаси жалб этилди. Бу иш бозоримиздаги савдо-сотиққа ҳеч қандай зиён-зиҳмат етказмаган ҳолда амалга оширилди.

Шарқнинг бозорлари етти иқлимга машҳур бўлган. Ундаги савдо-сотиқ кўпчиликнинг эътиборини жалб этган. Анъанани давом эттириш, бозорларимизнинг шарқона қиёфасига ўзгача жозиба бағишлаш — бурчимиз. Ишга киришишдан аввал бир гуруҳ мутахассисларимиз билан Самарқанд, Бухорога бордик. Вилоят ҳокимлиги орқали ташкил этилган бу сафардан кўзланган мақсад улардаги бозорларнинг қурилиши билан танишиш эди. Меъморчилигимизнинг бой анъаналарини ўзида мужассамлаштирган бозорларнинг энг муҳим жиҳатларини, ўзимизда уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик.

Янги бозор тўртта арқадан иборат бўлади. Унинг улкан иншоотида жойлашадиган 1289 та дўкон сармоядорлар аризаларига мувофиқ, улар берган маблағ ҳисобидан қурилмоқда. Уларнинг ҳаммаси бир хил андозада миллий меъморчилигимизнинг бой анъаналарига асосланган ҳолда барпо этилмоқда. Қурилиши жадал суръатлар билан бораётган «Жаҳон» бозори айни пайтда ҳафтанинг пайшанба ва якшанба кунлари ишламоқда. Унга юз минг нафарга яқин андижонликлар ва вилоятга келган меҳмонлар ташриф буюриб, ишларини битириб олишяпти. Рўзғорининг камқўстини бутлаб олишмоқда. Бозорнинг улкан иншоотн ишга туширилгач, у ҳафтанинг етти кунида, эрта-ю кеч, дам олиш кунисиз ишлайдиган бўлади. Шунга моманд иншоот атрофида зарур шарт-шароитлар ҳам яратилади. Биринчи навбатда унга кучли ёритгичлар ўрнатилиб, бозорнинг тунги қиёфасини нурафшон этишга мослаштиридаги. Электр таъминоти билан боғлиқ ишлар ҳеч бир қийинчиликсиз ҳал этилади. Ўз навбатида бозорга келиб-кетувчиларга транспорт хизмати кўрсатиш ҳам яхшиланади. Бозор ёнида шоҳбекат қурилиб, вилоят туманлари ва шаҳар марказидан келадиган автобусларнинг қатнови марказлаштирилади. Троллейбус линияси тортилиб, электр транспорти қатнови йўлга қўйилади.

Бозор — турмуш кўрки, деб бежиз айтилмаган. Шуҳа йўқки, янги иншоот андижонликларнинг ҳам кўрки бўлиб қолади ва уларнинг бебаҳо бойлигига айланади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИБСОТАРГА ЎРИН ЙЎҚ

Олтиариқ туман марказий бозорига кунига атроф қишлоқлар, қўшни туман ва вилоятлардан юзлаб одамлар харид қилгани келишади. Расталарда Олтиариқнинг машҳур бодирингидан тортиб, турли мева ва сабзавотлар сероб.

Афсуски, кейинги пайтларда бозорда олибсотар текинхўрлар пайдо бўлди. Бечора деҳқон йил бўйи пешона тери билан етиштирган ҳосилини бозорга олиб келса, уни бозорга киритмай, келтирган маҳсулотини арзон-гаровга олиб, харидорга икки-уч баробар ортиқ нархда пуллайдиган текинхўрлар пайдо бўлди. Бозор иқтисоди шароитида ҳамма нарсани қилиш мумкин деган нотайин тушунча эгаларига худо берди.

Ҳайриятки, Президентимиз ўз вақтида бу ноҳуш ҳолнинг олдини олиш, оддий халқни олибсотардан муҳофаза қилиш, деҳқон бозорида фақат асл деҳқонгина ўз маҳсулотини сота олиши учун шароит яратиш хусусида ўринли фикр билдирдилар. Туманимизда бозорлардаги тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, деҳқон ва харидор орасидаги сунъий кераксиз воситачиларни бартараф этиш юзасидан махсус ишчи гуруҳи тузилди. Кечаги якшанба бозорида ишчи гуруҳи аъзолари билан туман марказий бозорини кўздан кечирдик. Дарҳақиқат, чайқовчилар бозордаги энг қулай, харидор кўп тўпланадиган ўринларни эгаллаб олишибди. Оддий деҳқон эса бозор четига чиқиб кетган. Бу ўз навбатида нарх ошишига олиб келмоқда. Масалан, биз суҳбатлашган деҳқон олис қишлоқдан олиб келган пиёзини 7—8 мингдан сотяпти. Худди шундай сифатга эга пиёзни эса чайқовчи шу бозорнинг ўзида 15 мингдан пуллаяпти. Текшириш натижасида Т. Комилов, А. Иқромов, М. Хотамов, М. Аҳмедов, М. Қурбонов сингари фуқаролар ҳеч қандай ҳужжатсиз, солиқ инспекциясидан рухсат олмаган ҳолда бозорга уя қуриб, олибсотарлик билан шуғулланишаётгани маълум бўлди. Ишчи гуруҳи қарори билан улар бозордан чиқариб юборилди. Руҳсатномаси бўлган айрим шахсларга ҳам нарх-навони асоссиз равишда ортиқча ошириб юборишса чора кўрилиши айтилди. Текшириш давомида 55 шиша сифатсиз арақ, пиво каби маҳсулотлар ҳам мусодара қилинди.

Ишчи гуруҳи туман бозорларидаги аҳволни эндиликда доимий назорат қилиб туради.

Муҳаммаджон ИСЛОМОВ,
Олтиариқ шаҳар фуқаролар йиғини раиси, туман бозорларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш бўйича ҳокимлик ишчи гуруҳи раиси.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг куни кеча Вазирлар Маҳкамасида ўтказган мажлиси киритилаётган миллий валютамизнинг қадр-қимматини мустаҳкамлаш, аҳолини социал-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида катта аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда бозорлардаги ўзбошимчалик,

АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

қатор тартибсизликлар халқимизнинг эътирозига сазовор бўлаётган эди. Манзара жуда ҳам ҳунуклашиб кетган эди. Азамат деҳқоннинг оғир меҳнати ва унинг вақти тиғизлигидан фойдаланаётган айрим кимсалар тайинли меҳнат қилиш ўрнига мўмай даромад йўлига шўнғиб кетмоқдалар. Бозорларда ва кўча-кўйда деҳқон етиштирган ва давлат корхонаси чиқарган маҳсулотларни бир неча баравар ошириб сотиш ҳоллари авж олиб кетди. Бу аслида жамият ҳуснига тушаётган доғдир. Бозорларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси мутлақо талабга жавоб бермайди. Хизматни ҳаққоний йўлга қўядиган пайт аллақачон етиб келди.

Зокир ИЎЛДОШЕВ,
Тошкент Давлат иқтисоднёт университети ректорининг муовини, профессор.

• *Ислоҳот қалдирғочлари*

ИМОНЛИ ИМОМАЛИ

Бу йигит ҳақида яқин-яқингача Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидан ташқарида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. У мамлакат Президенти олдида ўзини йўқотиб қўймасдан, айтмоқчи бўлган гапларини дадил айтди. Шу кунгача радио мухбирига бир марта интервью берган. Сўнгра телевизорда чиқди. Жумҳурият телевидениеси мухбири унинг хўжалигига борди.

Имомали 1963 йили туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаганидан сўнг зоотехник бўлиб ишлади, ферма мудири бўлди.

Имомалининг отасини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Раҳматли Турдиали ака ўн фарзандни вояга етказди. Ҳар ғалаба байрами куни ўн фарзандининг ҳаммаси отасининг уйига меҳмонга келишарди. 1991 йилнинг 9 майидаги ана шундай одатдаги меҳмондорчиликда муҳим бир масала ўртага ташланди. Бу таклиф ҳам отахондан чиқди. Юрасизларми, Президентимиз ишлайдиган одамларга жуда катта эътибор билан қараяпти. Фермер хўжалиги тузиш керак. Мудирни қўлидан келади. Меликўзиев билан гаплашганман, қани нима дейсизлар, деб қолди. Мудир отанинг гапига кўнди. Эртасига Ўзбекистон туманнининг собиқ ижроқўми раиси, ҳозирги кунда ҳам халқ яхши кўрадиган раислардан бири Муроджон Меликўзиевнинг ўзи Имомалини «Волга»сига ўтказиб, ер ҳам, мол ҳам берди, ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Учрашган кунимизда Тошкентга қор ёғганди. Имомали билан газеталар муҳарририяти жойлашган бинога кетаётганимизда пиёда юрмай, машинада борсак-чи, деб қолди. Мен масофа яқинку, фермерда пул кўп-да. Ҳозир битта ноинсофга йўлиқсак қишлоқдан келиб қолибди, деб бир журналистнинг ярим ойлик маошини сўрашдан ҳам уялмайдиганлар бер, дегандим. Эй, ака, қорда бироз қийналаман, оёқ синган, деди. Ҳалиги гапимдан хижолат бўлдим. Барибир ярим чақиримча йўлга пиёда бордик. Йўл-йўлакай қандай оёғи синганлигини билиб олдим.

— Шундай қилиб иш бошладим. Ер бор, бўйинда 200 минг сўм қарз. Қарздан у икки ойдаёқ қутилдими. Мол бор, уни боқиш керак. Иложи борича, колхозникидан кўпроқ хашак, ўт тўплаш зарур. Сув танқислиги дегандай. Шунинг учун ерларни фақат кечаси суғорардим. Ярим кечаси бир-иккита қўшиқни хиргойи қилиб, асло ишдан чарчамасдим. Кунларнинг бирида тойиб, ариққа тушиб кетдим. Ўшанда тизза бетонга қаттиқроқ теккан экан. Имомалининг оёғи синди, деган хабар тарқалишини сираям истамасдим. Нега деганда, иш бошлаган кунларим сенга нима етмаяпти, қорнинг тўймаяптими, фермер бўлиб нимани қотираркансан, ҳали кўрамиз, бирорта бақувватроқ раҳбарнинг ўқига дуч келиб қолсанг, қандай қутилар экансан, деган гапларни юзимга айтмаса ҳам, ортимдан айтадиганлар топилади. Ўшанда далани ўйлаб, охиригача ётмаган эканман, синган жойи сал азоб бериб туради...

Халқимизда кўпдан қуён қочиб қутилмас, деган гап бор. Имомалининг оиласи катта. Ака-укалар бир-бирларини қўллаб астойдил иш бошлашди. Ишлаган билан ишнинг кўзини билган орасида фарқ бор. Кўп жойда унинг ҳаракатчанлиги фойда берган бўлса, кўп жойда зоотехниклиги, қўл келди. У моллар наслини яхшилашга асосий эътиборни қаратди. Қисқа вақтда 120 дан ортиқ зотдор молга, ўттиздан ортиқ қўйга эга бўлган фермер хўжалиги пайдо бўлди. Бу хўжалик кўрпага қараб оёқ узатадиганлардан чиқиб қолди. Биринчи навбатда оғилхона қуришга эътибор берилди. Ҳозирги кунда учта трактор, хашак майдалагич, ўт ўрадиган ва оғилни тозалайдиган механизмлари бор. Улар эса бир жойдан туриб, рация орқали бошқарилади. Иш бошлаган пайтиёқ тушган даромаднинг бир қисмига Болгариядан «Леон-Б» типидаги радиостанция сотиб олинганди. Ҳаммаси машина-ю тракторларга ўрнатилди. Тежабтергаш, ҳақиқий иқтисодчилардай иш юритиш ўз самарасини беряпти. Ҳисобкитобда иш катта экан. Буни Имомалининг ўзи оддийроқ қилиб айтиб берди.

Масалан, тракторимиз бир жойда бузилиб қолади. Тракторчи эса кун бўйи ётавериши мумкин ёки бўлмаса машинада овора бўлиб, қаерда экан, деб излашимиз ҳам мумкин. Ана шундай пайтда Имомали уйида ўтирган жойда рация орқали ана шу тракторнинг қаери бузилганлигини, нимаси камлигини биладди, сўнгра керакли ходимга топшириқ берилади. Зарур нарса эса тезда шу жойга олиб берилади. Вақт ҳисоб китобда. Раҳматли Турдиали бува ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилади, деган сўзларни кўпинча такрорлаб туради. Шу боисдан ўғли Имомали бошчилик қилаётган фермер хўжалик 107 тонна сут, уч ярим тонна гўшт ва кўплаб полиз маҳсулотлари топширди. Лекин ўзларини ҳам эсдан чиқарганлари йўқ. Яхшигина маош олишяпти.

Шундай қилиб, Имомали бой бўлди.

Имомали билан илк бор танишган куним, ака Президентимиз билан учрашиш ниятим бор, менинг хўжалигим яхши-ю, кўп жойларда фермерларга жуда қийин-да. Муаммо десангиз ғиж-ғиж. Фермерлар бюрократик тўсиқларга дуч келяптилар. Биз бугун ишлаб чиқарган маҳсулотимизни халққа яхшироқ етказишимизни ўйлашимиз керак. Фермер хўжалигининг ўзида цехчалар очсак, бўлмайдими, ҳаммасини айтиш ниятим бор, деб қолди. Худо, деган йигит экан. Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Имомали Президентимиз назарига тушди. У юртбошимизнинг саволларига жавоб қайтарди. Кўпчилигимиз телевизорда қоғозга қарамасдан дадил гапирган, Ўзбекистон туманидаги «Умид» шахсий хўжалигининг фермери сўзларини эшитдик. Бир неча кун ўтгач, учрашганимизда, Президент билан рўбарў бўлганингизда ҳаяжонланмадингизми, деб сўрадим. Президентимизнинг самимий муносабати ўша ҳаяжонга ўрин қолдирмади. Тўғрисини айтганимда, дастлаб иш бошлаганимда дадам раҳматли ўғлим, бу ишларнинг бошида Президент турибди, дегандилар. Ўша гапларнинг ҳақлигини яна бир карра ҳис қилдим. Сўзга чиқиш учун тўрт бет қоғозга яхшилаб гапларимни ҳам ёзиб олгандим. Баландпарвоз сўзлар ҳам бор эди, лекин ўзимга ёқмади. Билганча гапирдим. Шуниси яхши бўлган экан, юракдан чиққан самимий гапга нима етсин. Ўша учрашувдан сўнг бу ишлар кам, ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак экан, деган фикрга келдим. Бир ўйлаб кўринг. Беш-олти йил аввал магазинларни қаймоқ, сут, шакар билан тўлдириб қўйишарди. Ҳозир йўқолиб кетди. «Умид» қошида шундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган цех очмоқчиман.

Ака, бир айбим бор, деди. Қани эшитсак-чи, дегандим, биринчиси — одаммиз, хато қилиб турамиз, иккинчиси — ноҳақлик бўлса, у амалдору ёши каттаю, деб ўтирмасдан шартта юзига айтиб қоламан. Лекин ёлғон туҳматдан худо асрасин. Орқадан гапирганнинг нима кераги бор. Бир гапни айтай, фермер бўламизми, бой бўлиб кетамизми, машҳур одам бўламизми, амалдор бўламизми, инсон, имонли одам бўлиб яшайлик, деди.

Анвар АБДУВАЛИ,
журналист.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 4. VII

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим». 18.55 «Юксалиш йўлида». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Халқ ижодиёти». Лапарлар.. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «ИНСОН ВА ҚОНУН». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Бир жуфт қўшиқ. 22.10 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Солижон Аҳмедов. 22.50 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.15 «36—80-квадратдаги ҳодиса». Бадиий фильм. 00.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. 1/8 ФИНАЛ. (Танаффус пайтида— Эълонлар ва Янгиликлар).

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Билиб қўйган яхши». 20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 20.40 Шифокор маслаҳати. 21.20 «Вилоятим ҳикояси». Экранда — Бўстонлиқ тумани. 22.00—00.35 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм. (Ҳиндистон). 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. 1/8 ФИНАЛ.

19.25—21.10
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.10 «Лайза Минелли Россияда». 22.30 Телефильм. 22.55—23.05 «Тафсилотлар».

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Эркак ва аёл». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Спорт уйнаэнди». 20.55 — 22.55 Футбол. Жаҳон чемпионати.

Сешанба, 5. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 Болалар учун фильм. «Оляга аталган гуллар». 9.55 «Абитуриент-94». Кимё. 10.25 «Иқтисодий ислоҳот: дастлабки натижалар». 10.55 «Абитуриент-94» География. 11.25 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим». 12.55 ФУТБОЛ. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 12.45 — 14.05 ЎзТВ хазинасидан. Телевизион театр. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». 1-қисм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Садо». 18.35 «Тановар»лар кечаси. Фарғона вилояти Тошлоқ тумани «Райҳон» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Миразиз куйлаганда».. Фильм-концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 БЕВОСИТА МУЛОҚОТ. 22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Нефтчи». 2-тайм. (ёзиб олинган). 23.15—23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Мультфейерверк». 20.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 21.00 Видео янгиликлари. 21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари в а эълонлар. 22.00 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 9.40 Эълонлар. 9.50 Видео—«О». 11.30 Эълонлар. 11.35 «Курьер». 11.50 «Эм-Ти-Ви» ва мусиқалар. 12.10 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.30 «Келинг, танишайлик» («Ал-Бухорий» фирмаси). 12.40 Эълонлар. 12.45 «Салом, ёшлар!» 13.15 «Даракчи». 13.25 «Юлдузлар жилоси». 13.50 Эълонлар. 14.00—15.45 Видео—«О».

18.00—20.00
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Киномарафон. К. Муротова. «Кулранг тошлар орасида». Бадиий фильм. «Номлар» туркумидан. 21.45 «Жентельмен-шоу». 22.15 «Илк нусхадан».

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25—23.45 «Севишганлар». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18:55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Илк манбадан». 20.40 «Олтин шлягер». 21.30 «Қизил наврўзгул». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ—Буюк Британия). 22.35—22.45 «Матбуот-экспресс».

Чоршанба, 6. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Аҳмад қаёқда?» Бадиий фильм. 10.00 «Абитуриент — 94». Математика. 10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.45 «Абитуриент-94». Ўзбек тили ва адабиёти. 11.15 «Боболардан қолган бу наво». Телефильм. 11.45 «Ёшлик» студияси. «Имконият излаб...». 12.05 «Таваккал Қодиров қуйлайди». Фильм-концерт. 12.30 — 13.50 Телевизион театр. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». 2-қисм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун» Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Баҳс», 18.45 «Оддий кун». Телефильм. 18.55 «ПУЛ ва пул муомаласи ўтмишига бир назар». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Футбол шарҳи. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ислоҳот ва муаммо». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига. «Гулла, яшна, мустақил диёр!» Экранда — Хоразм вилояти. 22.30 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови. 23.15—23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Спринт». 20.15 «Ҳуқуқий давлат сари». 20.45 «Тошкент: шаҳар юмушлари». 21.45 «02» тўлқинида. 22.10 «Кинотриада». 23.10 — 01.20 «Арслоннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 19.30 Телефильм. 19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм.

20.40—21.30
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21,30 «Юлдузлар ёғилганда».

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30—23.45 «Қотил бунинг ўзи». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Илҳом яна уйғонур...». Актёр В. Гафт ва санъаткор М. Сафронов. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Инсон ва қонун». 20.40 «Қизил наврўзгул». Бадиий фильм. 2-серия. 22.00—00.35 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.

Пайшанба, 7. VII

ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 Болалар учун фильм. «Министр бўлмоқчиман». 10.00 «Абитуриент-94». Биология. 10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.45 «Абитуриент-94». Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.15 «Миллий мафкура». 11.45 Ўсмирлар учун. «Жажжи сўз». 12.10 —13.30 «Ёшлик» студияси. «Истиқбол эгалари». Андижон вилояти Бўз тумани педагогика билим юртидан. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари». 18.35 «Беназир санъаткор». Ўзбектелефильм. Премьера. 18.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва қурол». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобулжон Юсупов куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 М. Ҳамидов. «Дилижон дайдилар». А. Бакиров номидаги Андижон Давлат болалар ва ёшлар театрининг спектакли. 23.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.25 — 00.40 «Марияга аталган олмослар». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «ОМАД» тақвими. 20.00 «Жозиба». 20.20 «Бир шингил ҳангома». 20.30 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 20.50 Видео янгиликлари. 21.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 22.00—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 20.45 «К-2» таништиради: «Абзац». 22.15 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 24.00 «Кўприклар кўтарилганда». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 «Тонг» 17.50 «Инсон ва қонун». 18.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 33-серия. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Хафтанинг машҳур кишиси». 20.50 «Детективлар клуби»да. «Ден Огаст». Телесериал. 10-серия. 21.45 «Матбуот-экспресс». 22.00 «Сиёсий бюро». 22.50—23.00 «Автошоу».

Шанба, 9. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 Болалар учун фильм. «Итни паравозга алмашаман». 9.35 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дугонажон». 11.25 «Сирли сандиқ». Телеўйин. 12.25 Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти мусиқий-педагогика факультети битирувчилари ва ўқитувчиларининг концерти. 13.05—14.05 В. Распутин. «Омон бўлсанг, унутма». Телеспектакль. 2-қисм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Қўнғироқча». 18.30 Болалар учун фильм. 18.45 «Насиба». Фильм-концерт. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Футбол шарҳи. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Рақслар гулдастаси». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Телевизион миниатюралар театри. 22.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури. 00.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. (Танаффус пайтида —Эълонлар ва Янгиликлар).

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк». 9.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 10.10 Видео янгиликлари. 10.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 11.10 «Кинонигоҳ». 12.40 «ОМАД» тақвими. 12.50 «Жозиба». 13.10 «Бир шингил ҳангома». 13.20 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 13.40 Видео янгиликлари. 14.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 14.50 «Кинонигоҳ». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Болалар учун. «Табассум». 20.20 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Йўловчи ва транспорт». 22.00 — 00.10 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.10—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИ

12.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.30 «Рангинкамон» (тожик тилида). 13.15 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.30 «Безнен мирас» (татар тилида). 14.10 «Анъаналар, урф-одатлар, замонавийлик». 14.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.00 «Қалбим қўри». Ёш томошабинлар театрининг актёрлари ҳақида. 15.40 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.25
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Россия телевизион театри. 20.20 «Ғойиб бўлаётган манзара». Лев Анинский кўрсатуви. 21.10 «Қрим манзаралари».. Ҳужжатли фильм. 21.20 «Сен мени тинчлантир». 21.30 «Чегарасиз футбол».

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25—23.35 «Мишка» — артист». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Рукн премьераси» туркумидан кўрсатув. 18.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Бьюталенд» Телесериал. 3-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.35 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Комиссар». Телесериал. 5-серия. 22.20 — 23.35 «Ота уйи». Е. Мартинов номидаги халқаро қўшиқлар фестивали (Донецк).

Якшанба, 10. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Маҳоҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 74 — 75-сериялар. 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 Телевизион миниатюралар театри. 11.20 «Қирқ ҳунар ҳам оз». 11.55 «Фахрийлар — фахримиз». 12.05 «Шум бола» таклиф қилади». Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев. 14.05 «Цирк! Цирк! Цирк!» 14.45 —15.35 «Кино усталари». Ҳотам Файзиев. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 18.45 «Келинг. бир кулишайлик». Обид Асомов. 2-кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 Кинолавҳа. 20.10 «Ўзбек қизи овози...» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтаномa». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ойнаи жаҳонда». 21.55 «Устоз ва шогирд» Фахриддин Умаров ва Ҳожиакбар Ҳамидов. 22.50 «Оқсоқ дарвеш». Бадиий фильм. 00.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. (Танаффус пайтида— Эълонлар ва Янгиликлар).

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға». 17.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 17.40 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 17.50 Эълонлар. 18.00 Видео—«О». 19.45. Эълонлар 19.55 «Курьер». 20.10 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.30 «Рок ҳақида». 21.00 Эълонлар.21.10 «Шарқ дурдоналари». 21.40 «Даракчи». 21.50 Эълонлар. 22.00 Видео — «О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.45—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИ

12.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 13.10 Элчихоналардан янгиликлар. 13.15 «Мўъжиза яратган қўллар». 13.30 «Дунё ва биз». 13.50. «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.05 «Мусиқий саёҳат». 14.35 «Ариран». Корейс тилида кўрсатув. 15.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.25 «Озгина, лекин созгина». 15.40 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.55 Футбол Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. 18.55 Спорт кўрсатуви.

19.00—20.20
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 «Солиқлар мавсуми». Бадиий фильм. (АҚШ). 21.50 «Ксюша ҳузурида».

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25—23.50 «Набирамиз милицияда ишлайди». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 Мультфильмлар: «Баскетбол жазаваси», «Ҳақиқий ажина овловчилар». 18.45 «Бомонд». 19.10 «Миниатюра». 19.25 «Шу самолёт изидан боринг». Бадиий фильм (Франция). 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.55 «Х» кўрсатуви. 22.15 — 23.00 «Ростислав Пляттнинг бахтли тақдири». В. Вульф ҳикоя қилади.

• *Абитуриент—94*

НОЁБ КАСБ СОҲИБЛАРИ

Мустақиллик шарофати туфайли обрўси ошиб, талаб ортиб бораётган касблардан бири, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу ер тузувчи муҳандислиқдир. Бунинг сабаби оддий: республикамиз собиқ СССР исканжасидан қутулиб чиққач, янгича аграр сиёсат тута бошлади.

Президентимизнинг Фармонига мувофиқ минглаб гектар ерлар фуқароларга томорқа учун бўлиб берилди. Энг муҳими, пахта яккаҳокимлигининг илдизига болта урилиб, бошқа экинларга ҳам эътибор бериладиган бўлди.

Пахта майдонининг республика деҳқончилигидаги ҳиссаси ақл-идрок билан зарурий ва самарадор миқдорда белгиланди. Ер ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бу тадбирларнинг бирортасини ер тузувчи муҳандисиз, унинг меҳнатисиз амалга ошириб бўлмайди. Бу юмушларнинг асосий қисми эса ўрта бўғин муҳандислари зиммасига тушади. Мамлакатимизда фақат бир ўқув юртида, яъни Тошкент қишлоқ хўжалик коллежининг ер тузиш бўлимидагина ана шундай мутахассислар тайёрлангани сабабли мазкур касб эгаларига талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Коллеждаги ер тузиш бўлимини битирганлар хўжаликларда, лойиҳа институтларида ер тузувчи техник, деҳқон (фермер) хўжаликларда ирригатор, техник-топограф, саноат ва уй-жой қурилишида техник геодезист бўлиб ишлашлари мумкин.

Тошкент қишлоқ хўжалик коллежи қарийб етмиш йил мобайнида халқ хўжалиги учун минглаб мутахассислар етиштириб берди.

Ҳозирги вақтда коллеж ер тузиш, агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, агросаноат корхоналарида тижорат фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси сингари бўлимларда тегишли мутахассисларни тайёрламоқда.

Малакали мутахассислар тайёрлаш учун бу ерда ҳамма шароитлар бор, юқори малакали, катта тажрибага ҳамда кўп йиллик ишлаб чиқариш ва ўқитувчилик иш фаолиятига эга бўлган педагогик кадрлар билан таъминланган. Улар 40 та фан хонаси ва лабораторияда ҳисоблаш техникаси, компютерлар ёрдамида ўқувчиларга таълим берадилар.

Коллежнинг ноёб касб эгалари — ер тузувчи техник-муҳандислар тайёрлайдиган ер тузиш бўлими дастлаб 1943 йилда Самарқанд гидромелиорация техникуми қошида ташкил этилган, 1955 йилда бўлим Тошкент шаҳридаги ўрмон хўжалиги техникумига кўчирилиб, 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик техникумига қўшилган.

Билмаган одам ер тузувчи мутахассиснинг фаолият доирасини тасаввурига келтиролмайди. Ваҳолонки, ер тузувчи мутахассиснинг иш кўлами хилма-хил. Масалан, ердан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, янги ерлар очиш, ер участкаларидан фойдаланишни тартибга солиш, давлат ва жамоа хўжалиги ҳудудида ички ер тузишни ташкил этиш, ер участкаларини ажратиб бериш ва қайтариб олиш, топографик— геодезик, тупроқ ва бошқа мақсадлар учун текшириш, қидирув ўтказиш — буларнинг бари ер тузувчининг вазифасига киради.

Ер тақсимоти ва ундан фойдаланишни назорат қилиш вазифаси бу касб эгасига бирмунча ҳуқуқий имкониятлар ҳам яратилиши билан мустаҳкамланганлиги муҳимдир.

Ерни ҳар томонлама яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва ердан фойдаланишнинг иқтисодий натижа берадиган йўлларини илмий асосда ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиш ҳозирги замонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг етакчи масалаларидан бири бўлиб турибди.

Ердан тўғри фойдаланиш, энг аввало, хўжалик раҳбарлари — мутахассисларига боғлиқ. Чунки ердан унумли фойдаланишни режалаштириш учун ернинг ҳозирги ҳолати, унумдорлиги, тупроқ турлари, ер ости сувларининг ҳолати, суғориш ва қурилиш тармоқларини, алмашлаб экишни тартибга солиш, ердан фойдаланишни назорат қилиш каби қатор масалаларни ечиш бир жиҳатдан ер тузувчиларнинг ҳам зиммасига тушади.

Президентимиз Ислом Каримов «Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади» деб таъкидлаганидек, халқни бойитиш учун ердан унумли фойдаланиш исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Ер сифатини текшириб, қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилдорликни аниқлаш, алмашлаб экишни жорий этиш ва уни назорат қилиш, ер ҳисоботини олиб бориш, ердан фойдаланишни назорат қилиб боришдек ҳаётий зарур ишларни амалга ошириш учун эса малакали ўрта бўғин мутахассисларини — агроном ва ер тузувчиларни тайёрлаш бугуннинг муҳим вазифаларидандир.

Бундан ташқари, умуман халқ хўжалигининг жуда кўп тармоқларида геодезия мутахассисларининг хизматига талаб катта.

Шунинг учун ҳам Тошкент қишлоқ хўжалиги коллежига кириб ўқиш ёшларимизнинг фуқаролик бурчлари деб ўйлайман.

Коллежга ўқишга кирган талабаларга яшаш учун ҳамма шарт-шароит яратилган. 400 ўринли замонавий ётоқхона, ошхона ва буфет ўқувчилар хизматида. Талабаларни ҳар ойда озиқ-овқат билан таъминлаш учун ётоқхонанинг ўзида дўкон очилган.

Илм оламан, малака ортириб, халқимнинг корига ярайман деган, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш ниятидаги бел боғлаган йигит-қизларга техникум эшиклари очиқ.

Вилоят ва туманлардаги мутасадди раҳбар ер тузувчи техник ихтисослигига муайян хўжаликда қанча талаб борлигини ҳисобга олиб, билим юртига буюртмалар беришса, мақсадли ўқишга йўлланмалар бериб, ёшларни юборишса айни муддао бўлур эди.

С. АҲМЕДОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик коллежининг ер тузиш бўлими мудири.

• ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР •

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ

МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

МЕҲР-ШАФҚАТ ТИББИЁТ ҲАМШИРАЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ЙИЛЛИК, ПУЛЛИК, КЕЧКИ КУРСГА, 1994—95 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курс 1990 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти раёсати қарори ва Ўзбекистон Тиббиёт вазирлиги буйруғи асосида ташкил қилинган. Ўқиш жараёни Й. Охунбобоев номли республика тиббиёт билим юртида махсус дастур асосида тажрибали педагоглар томонидан олиб борилади. Амалий машғулотлар Тошкент шаҳри клиникалари ва шифохоналарида ўтказилади.

Ҳужжатлар 1 августдан қабул қилинади, ўқиш 15 сентябрдан бошланади. Ўқишга республикамизнинг барча вилоятларидан келган, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжати (аттестат, диплом) бор, 35 ёшгача бўлган, миллатидан қатъи назар бўлган аёллар, суҳбат асосида қабул қилинади.

Ўқишни тугатиб, давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширганларга «Меҳр-шафқат тиббиёт ҳамшираси» деган мутахассислик берилади ва курсни тамомлаганлиги ҳақида диплом билан тақдирланади.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитасининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 30-уй (илгариги Туркман бозори яқинида). Маълумот учун телефонлар: 56-31-50, 56-29-06, 56-37-41, 56-29-04.

Марказдаги 3 хонали, барча қулайликларга эга бўлган квартирани Бешёғоч, Марказ-13, 14, 15 даҳаларидаги 3 ёки 4 хонали квартирага алмаштираман.
телефон: 35-52-19.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги **«Қўшчинор»** кичик корхонаси

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги кўп тармоқли «ЎЗБЕКИСТОН ГУЛИ» кооперативининг муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Нуробод туман хўжалик ҳисобидаги қурилиш таъмирлаш участкасига тегишли 15-, 16-, 17-сонли ишонч қоғозлари ҳамда 677851—677890 сонли чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ!

Тошкент Вакцина ва зардоблар илмий текшириш институти раҳбарияти, касаба уюшмаси институт директорининг муовини Ўлмас Солиҳовга онаси

Комила СОЛИҲОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ХУМОРИ ТУТГАНМИШ

Наманган шаҳридаги 92-дўконнинг хабар берувчи қўнғироғи жиринглаганидан сўнг қўрқилаш бўлими милиционерлари зудлик билан етиб келдилар. 16 шиша арақни ўмаришга чоғланган ўғри қўлга тушгач, «кўпдан бери ичмагандим, хумори тутгандида», деб жавоб берди.

ДУБ ЭШИГИ

Тошкент вилояти Красногорск қўрғонида истиқомат қилувчи Сергей ва Илҳом уйидаги эски эшикни дубдан ясалган мустаҳкам эшик билан алмаштиришни кўнгиллари тусаб қолди. Аммо уларда пул йўқ. Бу икки ҳайдовчи бунинг иложини топгандай бўлишди. Улар «Четқол» дўконининг қоровули йўқлигидан фойдаланиб, дубдан ясалган иккита эшикни ўмардилар. Икки ҳамтовоқни Ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлинмаси ходимлари қўлга олди. Энди ўзлари орзу қилганларидан ҳам мустаҳкамроқ эшикка «эга» бўладилар.

ПИЧОҚЛИ ЙЎЛОВЧИ

Кечаси «Москвич»ида айланиб юрган Улуғбек икки йўловчининг ҳожатини чиқараман деб машинасидан ажралиб қолай деди.

Хуллас, манзилимизга эл-тиб қўйинг, дея ялиниб, унинг машинасига ўтириб олган икки йўловчи ярим йўлда Улуғбекка пичоқ ўқталади. Улуғбекнинг бахти бор экан, хизматни ўтаётган Самарқанд шаҳар қўриқлаш бўлинмаси ходимлари бу воқеанинг устидан чиқиб қолишди.

АЁЛИ ҚОТИЛ

Бекобод туманида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Алланазаровни ўлдирган қотиллар ушланди. Қотилнинг бири бегона бўлсада, иккинчиси марҳумнинг умр йўлдоши экан.

БЕЗОРИ ҚИЗЛАР

Тошкент кўчаларида сайр қилиб юрган М. Сафоеванинг тилла узуги, бўйнидаги тақинчоғига ҳамла қилинди. Улар кимлар дейсизми, бинойидек қизлар эди. Безори қизлар пичоқ билан М. нинг қўлига енгилгина тан жароҳати етказиб, тақинчоғи ва узугини тортиб олиб кетишди.

Тилла тақинчоқларидан айрилган қизнинг дардини тингдаган ички ишлар ходимлари бир зумда икки безори қизни қўлга олдилар.

ТАЛАБАНИ ТАЛАШДИ

Термиз шаҳрида уч номаълум шахс Термиз давлат университети 3-босқич талабаси институтнинг иккинчи ётоқхонасида яшовчи Қаршиевнинг хонасига бостириб кириб, уни қўрқитишиб 145 минг сўм-купонини ва 10 минг Россия рублини тортиб олиб кетишади. Бу талончиликни у билан бир жойда таълим олувчи талабалар содир этишган. Аммо улар орасида ишламайдиган бир йигитнинг борлигини ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция лейтенанти.

• БУ СИРЛИ ОЛАМ

БАҲОДИР ИЛОНЛАР ШОҲИ БИЛАН УЧРАШАДИ...

Кўп морбозларни кўрганман. Бунақасини эса сира учратмовдим. Бундай илончи, тўғриси, ҳинди морбозлари, йоглар орасида ҳам учрамайди, десам лоф бўлмас. Ақл бовар қилмайди. У йигитча кўз олдингизда илонга тилини чақтиради. Тили қонаб қолади. «Ё товба», дея ёқангизни ушлайсиз.

Баҳодирни излаб Бешкент шаҳри яқинидаги «Аврора» қишлоғи (қадимги номи Хожайи Хидир)га бордим. Очиғи, илонлар мўъжизаси, илон ва инсон муносабатлари ҳақида анча-мунча ёзиб юрардим. Баҳодир эса мен кўриб кузатган илончилардан тамоман бошқача. «Аврора»га кириб борганимизда қоқ туш эди. Болалардан «Баҳодир илончининг уйи қаерда?»— деб сўрадик. Улар ишора қилишди: Ҳув ана, ўзи бетон ариқда болалар билан чўмиляпти... У эндигина келган экан. Сувдан сира чиққиси келмасди. Қадди-қомати келишган, қийиқ кўзлари, озгина эгилган қош ва киприклари қопқора, овози дўриллаб қолган ўсмир.

— Уйга бораверинглар, бироз чўмилай, энди келдим...— деди бизга қараб.— Ҳозир бораман. Уйим белгили, атрофидаги симёғочларда илонлар осилиб ётипти. Ўшандан таниб оласизлар...

Олдинма-кейин етиб келдик. Баҳодирнинг онаси нон ёпиш учун тандир қизитаётган экан. Мақсадимизни айтдик. Чамаси 50 ёшларни қоралаб қолган, мулойим ва оғир табиатли Назокат опа бизни яхши кутиб олди. Баҳодир ошхонадаги ойнали қути ичидан илонларини халтага солиб чиқиб, ҳовли ўртасига ёйди. Бир метрдан зиёдроқ келадиган капчабош энг заҳарли ва жаҳлдор кобра, учта кулвор, битта қорабош ва битта сариқ илонни халтадан чиқарди. Улар қочишга ҳаракат қилмас, қўйилган жойда қўзғалмай буйруқ кутишарди. Гўё улар кўзга кўринмас иплар билан боғлаб қўйилган эди. Баҳодир тегажоқлик қилиб тўрта бошлади. Сергак тортишди. Лекин бирортаси ҳам тишлашга ҳаракат қилмади. Бош эгиб турганига аччиғи келгандай кобрани бўйнидан кўтариб олдида кўзларига яқин келтирди. «В-ш-ш» дея тикилиб қолди. Илон кўзини олиб қочди. Баҳодир бунга ҳам қониқмай чап қўлининг кўрсаткич бармоғини илоннинг оғзига тиқувди, у қўлларидан тишлади, силкитса ҳам қўйиб юбормади. Қўлини кўтарди, турди. Илон эса ҳассадай осилиб қолди. Қўлини қанча силкитса-да, баттарроқ тишларди. Ўнг қўли билан бўйнидан маҳкам қисгач, жағлари ажралди. Тиш ботган жойдан тизиллаб қон чиқди. Кейин ўта ҳаракатчан ингичка ва узун қорабош илонни қўлига олди. Илон ўз хоҳиши билан сира тишлагиси келмаса ҳам Баҳодир уни мажбур қиларди. Жаҳли чиққан илон унинг қўлига ёпишди. Энди ажратиб олиш амри маҳол. Думидан тортди, бўйнини қисди. Қўйиб юбормади. Наҳот, қўйиб юбормаса...

Бу илоннинг феълини мен ҳам биламан-да. Ўлжасини тишлаб олгач, кун бўйи қўйиб юбормай жонини сўриб олади. Баҳодирга қарайман. Бамайлихотир. Кейин қўлини силтаб суғуриб олиб ерга қўйди. Ҳар қандай асаби маҳкам одамнинг ҳам эти жунжикади. Ишқибоз бўлиб борган ҳамроҳларимдан бири қарашга юраги бетламай бошини четга буриб, бу хунук томошадан секин узоқлашди. Баҳодир энди энг катта кулворни қўлига олди. У калта, аммо семиз. Икки қўллаб ушлаб кўзларини, кўзларига қадаб «тиклашмачоқ» ўйинини бошлади. Баҳодирнинг кўзларига қарайман. Одатдагидан ўзгариб қолган. Илоннинг кўзларида эса тикилишга раъй йўқ. Олайиб борарди. Баҳодир уни енгиб, оҳиста ерга қўйди. Яна қорабошни қўлига олди-да икки қўллаб бошини пешонаси, кўзига уриб-уриб олаверди. Энди унинг юз-кўзларига важоҳат ҳукмини ўтказиб олганди. У шу пайтгача эгаллаб улгурган ҳунарининг энг даҳшатлисини амалга оширишга тайёрланарди. Унинг қўлидаги илонга қараб раҳмим келиб кетди. Бечора илон «шап» этиб ерга тушгиси, озод бўлгиси келиб типирчиларди. Баҳодиржон ука, қўйвор шуни, дегим келди...

У ҳали ёш. Энди 15 га тўлди. Мана, у одамни қўрқитадиган «номер»ни ижро этишга киришди. Оғзини очиб, илоннинг калласини худди ғажимоқчи бўлгандай тиқиб юборди. Чиқарди, яна тиқди. Бир, икки, уч... Ниҳоят тилларини чиқарди. Ялармикан? Ҳа, у тили билан ялаб, илоннинг оғзини очириб олди-да тилининг учидан тишлатди. Ғарч... «Воҳ» деб юборди киндир. Ё товба, қудратингдан! Илон унинг тилларидан тишлаб турарди...

— Баҳодир, нега илонларни ўлдириб симёғочга осиб қўйибсан? — деб сўраймиз.

— Бу уч-тўрт йил олдин содир бўлганди. Негадир илонлар билан ғаш эдим. Тутганимни тинмай ўлдирардим. Одамлар илончининг уйини узоқдан таниб олсин дердим. Энди эса илон зотини сира ўлдирмайман. Бу ёмон экан. Худо хоҳласа дарвозамизга катта илоннинг суратини чиздириб қўйсам шундан билиб олишади.

— Уларни қандай тутасан?

— Авваллари узун симнинг учига гўшт тиқиб илон уясига қўйиб турардим. Илон чиқса тутардим. Бу қийин. Энди эса илон овозини қилиб, вишиллашни ўргандим. Қаерда, қайси ковакда илон борлигини билиб, чақириб оламан-да, тутиб халтага соламан.

— Илон заҳарини олишни ҳам биласанми?

— Йўқ.

— Нима билан боқаяпсан?— Баҳорда майдалаб ўт бераман. Сичқон, каламуш, чумчуқ тутиб келиб, тириклай қутисига ташлаб қўяман.

— Циркда ёки ҳайвонот боғида ишлашни ҳоҳлайсанми?

— О қанийди. Одамларга нафим тегса. Бир илончи устоз қўлида тарбия кўришни жуда-жуда истайман.

...Баҳодир илонлар билан андармон бўлиб турганида мен унинг онаси Назокат опа билан гурунглашдим. Отаси Эргаш ака қурилишда пайвандчи бўлиб ишлар экан. Уларнинг 7 фарзанди бор: 2 ўғил, 5 қиз. Катта оила. Онасининг айтишича, у Баҳодирга ҳомиладор бўлган пайтида тушларида илон чақиб ўйғонар экан. Туғилгандан кейин ҳам шу ҳолат давом этган. Кейин унутиб юборган. Баҳодир 5-синфгача яхши ўқиган. Сўнг ўз-ўзидан илон тута бошлаган. Синфдошларига тегажоқлиқ қилаверган. Онда-сонда тутқаноғи бордай ўзидан ҳам кетиб қолган. Муаллимлар уни мактабдан чиқариб ақли заифлар мактаб интернатига жўнатиш пайига тушган. онаси сўзлади: «Ноилож, интернатга кетди. Ҳар куни бир йиғлаб оламан. Орадан 15 кун ўтди. Баҳодирни қизларимдан кейин худодан тилаб олган эдим. Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолдим. Тушимда Баҳодир онажон, йиғламанг мана мен келдим, энди олдингиздан кетмайман. Мени қайтариб юборишди. Туринг ўрнингиздан,— дейди. Туриб унга қарай десам кўзларим кўрмайди. Вой болам, кўзларим кўрмаяпти, овозингни эшитаяпман. Бўйларингни кўрмаяпман, деб йиғлар эмишман. Баҳодир «Ҳозир, ҳозир онажон» деётию яқинимга келиб мулойим ва меҳрибон қўллари билан кўзларимни оҳиста уч марта силаган экан, очилиб кетибди. «Хайрият-ей» деб уйғониб кетибман. Кўнглим ғаш, отасига ёлбордим: «мени била туриб, ақли заифлар интернатига жўнатган ота-онамни кўзлари кўр бўлсин, деб Баҳодирим йиғлаб юрипти. Уни опкелинг. Каттарса бир кунини кўрар. Унгаям худонинг бир атагани бордир» дедим. Отаси борса тарбиячилар ҳам қайтариб жўнатмоқчи бўлиб турган экан. Болагинам ёнримга қайтди. Кейин отаси уни илонлардан ажратиб олиш учун дўхтиру дуохон, фолбину экстрасенс қолмай олиб юрди. Бирортасидан нажот бўлмади. Чамамда 8—9 ёшларида уйга ўлик илонларни кўтариб кела бошлади. Уриб ҳам, сўкиб ҳам уни бу йўлдан қайтаролмадик. Ён қўшнимиз Юсуфхон эшон бобога бориб боламни илонлардан ажратиб беринг, деб ялинардим.

У киши насиҳат қиларди: «қўрқма, болам, буям худонинг иши. Ҳали Баҳодир машҳур бўлиб кетади». Отаси Баҳодирни Фарғонага Қизлархон деган экстрасенсга олиб борди. Кўпчилик тўпланиб, сеанс олаётган паллада илон чиқиб қопти. Ҳаммаёқ қий-чув. Баҳодир отасининг ҳай-ҳайлашига қарамай илонни тутиб олиб халтасига солибди. Кейин Қизлархон боланинг тақдиридан башорат қилибди: «Баҳодир 18 ёшида илонлар шоҳи билан учрашади. Яккама-якка жангда уни енгса катта бойликка эга бўлади, енгилса ҳароб бўлади» дебди. Шундан бери у ўзини чиниқтиради. Олишувга тайёрланади. Худоё, енгиб чиқсин-да... 5—6 кун яқинимиздаги Шаҳидтепага қатнаб. Одамларнинг қўй-эчкиларини, қўзи-улоқларини ютиб қўядиган ёлдор илон — аждар бор эмиш, шуни тутаман деб ҳар кун эрталаб белига нон тугиб кетади. Юрагимни ҳовучлаб ўтираман. Моҳира синглиси ҳам акажонини яхши кўради. У уйга етиб келгунча ўхламай кутиб ўтиради. Тутолмаяпти шекилли, унинг ўрнига анови катта кулворни тутиб келди. Билмадим, у катта аждарни қандай қилиб тутар экан. Худойим куч-қувват берсин!

— Илонлар ухлаган пайтда Баҳодир нима билан шуғулланади?

— Қиш бўйи илонлар суратини чизиш билан овора бўлади. Яшикдагиларни иссиқ батарея ёнига кўчиради. Мана ҳозир ҳам ёз пайти илонларини ҳар куни бир марта чўмилтириб овқат беради. Узоқ-узоқлардан дардманд одамлар кулвор илон сўраб келади. Бировнинг уйидан ёки ҳовлисидан илон чиқса чақиришади.

Баҳодирнинг қўллари ва кўзларида сир ва сеҳр бор. Тикилса қаролмайсиз. Ҳар қандай илонни ҳам, одамни ҳам ерга қаратади. Қўллари, бармоқларини қирсиллатиб ўйнатганда ҳайрон қоласиз. Халтадан чиққан илонлар уни тишлаб-тишлаб ҳеч нарса қилолмагач, бўйсуниб, бош эгиб, ҳатто кўзларини юмиб қотиб қолади. Баҳодирнинг сеҳри уларни синдириб ташлайди.

Баҳодирни эргаштириб 85 ёшли дуохон Юсуфхон эшонбуваникига йўл олдим. Бобо ҳам унинг тақдирига қайишар экан. Ул зотдан сўрадим:

— Бобожон, бундай болани олдин ҳам учратганмисиз?

— Илгари замонда Бешкентда бир лўли бўларди. Қорувли, барзанги. Ўшани илон ўйнатиб юрганини кўрганман. Лекин уям Баҳодирдай илонга ўзини чақтиролмасди. Бу бола ғаройиб. Англашимча унда илон кучини қайтара оладиган сеҳр бор. Тўғри, илонлар уни тишлаяпти. Бироқ заҳар сололмаяпти. Ахир кобра чақса ҳар қандай отни ўлдиради-ку!

— Бобо, Баҳодирни бир дуо қилинг, енгиб-енгиб юрсин!

У киши дуога қўл очди: Эй бор худоё, ҳаммамизни ўзинг маҳфират қил. Бемаҳал бало қазолардан асра! Жумла мўмин қатори Баҳодирга ҳам мурувватингни дариғ тутма. Умрини узоқ, ризқини фориғ қил! Омин!..

Биз ҳам бу ёруғ ниятга қўшилдик. Энди эса бизни ўқиган, эшитган биродарларимга бир оғиз сўз: Баҳодирга худо берган, Бироқ у ҳозирча ҳимоясиз, назоратсиз. Ундан керакли жойда фойдаланиш керак. У циркда, ҳайвонот боғларида, серпантарийда ишлаши, зоолог олимларимизга кўмакчи бўлиши мумкин.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳак-ҳуқуқингизни биласизми?

САВОЛ: Хоразм вилоят судига гувоҳ сифатида чақирилган эдим. Лекин боролмадим. Вилоят суди ҳайъати мени огоҳлантириб, жарима солди. Судни бошқа кунга қолдириб, яна келмасам қамашгача боришини милиция орқали огоҳлантиришди. Шу тўғрими?

М. ИБРОҲИМОВ.
Урганч шаҳри.

ЖАВОБ: Ҳар бир гувоҳ асоссиз сабаблар билан судга кўрсатма беришдан бош тортса ёки бўйин товласа Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 161-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади. Агар гувоҳ воқеани била туриб, ёлғон кўрсатма берса, унда гувоҳ шу модда билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Фуқаролик ишлари бўйича гувоҳ судга чақирилса-ю, лекин бормаса унда фуқаролик процессуал кодексининг 68-моддасига кўра ва шу кодекснинг 181-моддасига асосланиб, ўн беш суткага ҳибсга олиниб, жарима солиниши мумкин. Демак, сизга нисбатан суд ҳайъати тўғри иш қилган.

САВОЛ: Биздан бир қават юқоридаги қўшним ваннасидан сув тошириб, хонадонимизнинг ичларидаги бўёқлари, деворларига катта зарар етказди. Унга ремонт қилиб бер десам кўнмаяпти. Нима қилай?

Ф. МАЖИДОВА.
Самарқанд.

ЖАВОБ: Яшаш жойингиздаги уй бошқармасининг вакили биргаликда хонадонингизга келтирилган зиённи ҳисоблаб беради ва акт тузилади. Шундан сўнг сиз ўзингиз яшаб келаётган туман судига даъво ариза беришингиз керак. Суд кўриб, текшириб қарор чиқариб беради. Шу тарзда уйингизни қонуний ремонт қилиб оласиз. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Гражданлик кодексининг 479-моддасида кўрсатилган.

САВОЛ: Турмуш ўртоғим Улуғ Ватан урушида бедарак йўқолган, деган ҳужжати бор. Нафақа тайинлаш идораларн уни ўлган деган ҳужжати йўқ экан, деб нафақага ҳужжатларни расмийлаштиришмаяпти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-моддасига асосланиб судга ёзма равишда ариза берасиз. Суд эрингизни урушда ўлган деб қарор чиқариб беради.

Забихилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

• Ижтимоий иллат қиёфаси

ТЎРАЧИЛИК

ёки порахўрликнинг илдизи нимада?

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эдилар: «...жиноятнинг энг ёпиқ ва қабиҳ тури бор. Бу— коррупция ва порахўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини ердан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин.

Бюрократ кимса ҳадиқ ёки масъулиятсизлик туфайли жараённи секинлаштириб қўйса, порахўр кўпинча кўрабила туриб, ўз манфаатини ўйлаб давлат ва халқ манфаатларига зид қарорларни қабул қилади».

Аслида ҳаммасининг бошланишига шахсий манфаат устунлиги сабаб бўлади. Мана оддий бир ҳақиқат. Тижорат дўкони очмоқчимисиз, марҳамат очаверинг. Фирма очмоқчимисиз, яна марҳамат...

Аммо буларга осонликча эришиб бўлармикин? Асло. Шундай кўзга кўринмас бюрократик тўсиқлар, тўра акалар борки, о, бунинг учун зўр лаб-даҳан ёки «танка»нгиз ёхуд «белингиз бақувват» бўлиши керак. Ёки олдингизда «қоғоз қўй»ларни етаклаб бормасангиз сизга қиё ҳам боқишмайди...

Айтайлик, иштаҳаси карнай дўкон мудири давлат назоратчиси ёки солиқчидан қутилиш учун унга ранг-баранг қимматбаҳо қоғозларни ҳадя қилади. Терговчи пул эвазига қўзғатилган жиноий ишни ёпади. Порага ўрганган судья «қоғоз қўй» ҳисобига ҳукмни юмшатади. Яна бир аллақайси таъмагир вазир бутун бир тармоқни қамраб олган порахўрлик тизимига асос солиши мумкин. Ёки айрим амалдорлар ўзини «хон» билиб, қўл остидаги барча вассаллардан «улуш» олиб туради. Бу афтидан кишига оддий ҳаёт қонунига айланиб кетгандек туюлиши мумкин. Аммо минг афсуски, бу жараёнларнинг ҳаммасида кўзга кўринмас, киши билмас бюрократия деган тўсиқ ётибди. У доимо порага хизмат қилиб келган ва унга замин яратган.

Хўш, нега шундай? Нега виждонан ишлаб, давлат берган маошга қаноат ҳосил қилиш мумкин эмас? Нега кишни ўз манфаатини одамлар манфаатидан устун қўйиши керак? Нега? Афсуски, бу саволларнинг чеки йўқ...

Порахўрликнинг илдизини аниқлаш билан одамлар ҳамма даврларда ҳам қаттиқ қизиқиб келишган. Лекин давр, жамият ўзгарган сари у ҳам шайтон кўринишига эга бўлиб келаверган. Пора — ўзбошимчалик, қонунсизлик, марказлаштириш ва бошқалар оқибатида доимо «такомиллашиб» келаверди ва шунингдек, жамият қурилишининг негизини ишдан чиқаришга хизмат қилди.

Бизнинг даврга келиб у гоҳ совға сифатида, гоҳ ҳайр-саховат тарзида, гоҳ хожатбарор ўрнида, гоҳо инсоф, диёнатли шахс қиёфасида, гоҳ эса ҳаётда ёзилмаган қонундек «шапка» усулида чарх урмоқда, кимларнидир қақшатмоқда, кимларнидир бойитмоқда. Шундай қилиб пора тариқасида бериладиган пул оддий фуқародан чиқиб, маҳкамачи тўраларнинг чўнтагига бориб тушаётгани сир эмас.

Оддий бир мисол. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг маиший хизмат ва хусусийлаштириш бўлими бошлиғи В. Орипов Чилонзор туманидаги «Дилбар» кичик корхонаси раҳбари Т. Гончаровага бир неча марта порага ишора қилади. Охир оқибат Т. Гончарова ҳам унинг тилини тушунгандек бўлади. Шу райондаги уй хоналаридан бирини хусусийлаштиришга ёрдам бермоқчи бўлиб, 300 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида, жиноят устида қўлга тушади. Энди В. Орипов 300 минг сўм пул оламан деб 8 йил умрини қамоқда ўтказади.

Ёки бошқа бир мисол. Эл — халқ ишонган суд ходимларининг пора устида қўлга тушиши роят ажабланарлидир. Чунончи, Оҳангарон туман халқ судьялари Р. Ҳолиқулов, О. Абдураҳмоновлар ҳам «қоғоз қўй»ни етаклаб кетаётганларида қўлга тушадилар. Тошкент шаҳар судининг собиқ аъзоси Бекмурова ҳам пора устида қўлга олинади. Улар бу қилмишларига яраша жазоланадилар, албатта. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ юқоридагилар қўлга тушганлари, тушмаганлари-чи?..

Биз келажаги буюк давлат қуриш учун, соғлом авлод яратиш учун, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун курашмоқдамиз. Айниқса, келажагимиз бўлмиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўқитувчи-педагогларнинг ўрни ниҳоятда қаттадир. Бироқ уларнинг келажакка хиёнат қилаётганлигини кечириб бўлармикан?

Қорақалпоғистонлик Б. Бебитованинг асли касби ўқитувчилик. Тижоратчиларга таълим беради. Бу аёл ўқувчиларга фақат «назарий билим» бераверишдан чарчади, шекилли охири илмнинг «амалий жиҳатлари»ни ҳам ўргатишга астойдил киришиб кетди. «Тажрибаси»ни у сиртқи бўлим IV курс талабаси Л. Болтаевада синаб кўрмоқчи бўлди. Шу мақсадда унга битта давлат имтиҳонини 70 минг сўмга пулламоқчи бўлганида «тажрибаси» касодга учради.

Сирдарёдаги мактаблардан бирининг директори С. Саидова ҳам пул ишлаш бобида Бебитовадан қолишмас экан. Дарвоқе, у ўқувчиларидан олмасада, мактабга ишга кирувчилардан пора олаётганида панд еди. Д. Тошиловани ишга жойлаштириш мақсадида 100 минг сўм пора олаётганида қўлга тушди. Урганчдаги қурилиш коллежи ўқитувчиси ўз ўқувчиларидан 50 минг сўм пора ва ҳадя сифатида арақ олаётганида чуви чиқди. Шу куни имтиҳон бўлиши керак эди. Пора эса «талабчан» ўқитувчининг «оғзини мойлаш» ва ўртадаги бюрократик тўсиқни бартараф этиш учун керак эди-да!..

Дунёда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаган. Порахўрлар қилмишларига яраша жазо олдилар.

Хуллас, ҳозирги шароитда порахўрлик айрим шахсларга юққан иллат тарзида намоён бўлса-да, аммо иккинчи томондан иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳам учраётгани кишини ташвишга солади. Яна унинг сабабларидан бири — аҳолининг қонунни яхши билмаслиги, айрим қонунларнинг ожизлиги, унинг айрим жойларда маҳкама йўл-йўриқлари билан алмаштирилаётганлигидир. Шунингдек, порахўрликнинг ўсиб боришига истеъмол молларининг камёблиги, сурункали хизмат тақчиллиги, лоқайдлик ҳам замин яратмоқда...

«Шу муносабат билан, мен тадбиркор ва ишбилармонларнинг ўзларига ҳам мурожаат қилиш зарур, деб ўйлайман,—деб таъкидлаганди сессияда юртбошимиз.— Порахўрлик, қонунни четлаб ўтиб чайқовчилик қилиш, энг аввало, тижорат аҳлининг ўзини обрўсизлантиради, **аҳолининг қарғишига дучор этади.** Шу сабабли, бозор муносабатларининг виждонли ва софдил тарафдорлари турли ўғри ва муттаҳамларга ўз ораларидан ўрин бермасликлари керак».

Ана шундагина бугунги кундаги одилона сиёсатимиз туфайли асрлар бўйи давом этиб келаётган тўрачилик ва порахўрлик илдизи билан барҳам топишига аминмиз!

Тўхтамурод ТОШЕВ.

• Жаҳон футбол чемпионатида

НИМЧОРАККА КИМЛАР ЧИҚДИ?

Жаҳон чемпионатининг дастлабки босқич ўйинларига якун ясалди. Бугундан ҳал қилувчи палла учрашувлари бошланади. Олти гуруҳга бўлинган 24 жамоа ўртасида ўтказилган саралаш учрашувлари эса кутилмаган воқеалар, тасодифлар ва муросасиз баҳсларга бойлиги билан ажралиб турди.

Сўнгги тўртта учрашув «Д» ва «Ф» гуруҳларида бўлиб ўтди. Хусусан, Марокаш ва Голландия терма жамоалари учрашувида 1:2 ҳисоби қайд этилди. Лекин, Бельгия футболчиларини кутилмаганда Саудия Арабистони ўйинчиларидан 0:1 ҳисобида енгилиши ўзига хос воқеага айланди. Ана шу икки учрашувдан кейин «Ф» гуруҳида ўринлар аниқланди. «Д» гуруҳидаги охирги икки ўйин эса Россия футболчиларининг мавқеини мустаҳкамланишида аҳамият касб этиши олдиндан маълум эди. Жумладан, Аргентина—Болгария учрашувида океанорти футболчилари ғалаба қозонишса, Болгария курашни давом эттириш имкониятини бой берарди. Афсуски, бунинг акси бўлди. Марадонанинг гиёҳвандликка ружу қилгани қимматга тушди: уни ўйинга қўймасликка қарор қилинди. Бундан руҳланган болгар футболчилари дарвозага иккита жавобсиз тўп киритиб, мавқеларини яхшилаб олишди. Айни пайтда икки марта мағлубият аламини чекиб, қийин аҳволда турган Греция футболчиларининг Нигерия жамоасидан 0:2 ҳисобида енгилиши тахминларни пучга чиқарди.

Шундай қилиб, ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган Руминия, Швейцария, Бразилия, Швеция, Германия, Испания, Аргентина, Нигерия, Мексика, Ирландия, Голландия, Саудия Арабистони жамоалари нимчорак финалга бевосита йўлланма олдилар. Ўз гуруҳларида учинчи ўринни эгаллаган жамоалар ҳам шундай имкониятдан умидвор эдилар. Лекин чемпионат Низомига мувофиқ учинчи бўлган 6 жамоадан мавқейга қараб иккитасини чегириб ташлаш кўзда тутилган. Шу туришида АҚШ, Италия, Болгария, Бельгия жамоаларида имконият етарли, дейиш мумкин. Аммо учта очко тўплаган Россия эса чемпионат билан хайрлашди.

Икки очко билан учинчи бўлган Жанубий Корея Республикаси терма жамоаси ҳам бевосита томошабинга айланди. Нимчорак финалга йўлланма олган жамоалар эса 16 нафарни ташкил этди.

Бугун дастлабки нимчорак финал учрашуви Германия—Бельгия футболчилари ўртасида бўлиши кутилмоқда. Устун келгани эса чорак финалда Мексика — Нигерия учрашуви ғолиби билан майдонга тушиши мумкин. Хуллас, кўзда тутилган жами 52 учрашувдан 36 таси орқада қолди. Олдинда эса чемпионни аниқлаб берувчи қизғин баҳсларга бой 16 та учрашув турибди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИДАН КЕЙИНГИ МАНЗАРА

«А» гуруҳи					
Руминия	2	0	1	5-5	6
Швейцария	1	1	1	5-4	4
АҚШ	1	1	1	3-3	4
Колумбия	**1**	**0**	**2**	**4-5**	**3**
«Б» гуруҳи					
Бразилия	2	1	0	6-1	7
Швеция	1	2	0	6-4	5
Россия	**1**	**0**	**2**	**7-6**	**3**
Камерун	**0**	**1**	**2**	**3-11**	**1**
«С» гуруҳи					
Германия	2	1	0	5-3	7
Испания	1	2	0	6-4	5
Ж. Корея	**0**	**2**	**1**	**4-5**	**2**
Боливия	**0**	**1**	**2**	**1-4**	**1**
«Д» гуруҳи					
Аргентина	2	0	1	6-3	6
Нигерия	2	0	1	6-2	6
Болгария	2	0	1	6-3	6
Греция	**0**	**0**	**3**	**0-10**	**0**
«Е» гуруҳи					
Мексика	1	1	1	3-3	4
Ирландия	1	1	1	2-2	4
Италия	1	1	1	2-2	4
Норвегия	**1**	**1**	**1**	**1-1**	**4**
«Ф» гуруҳи					
Голландия	2	0	1	4-3	6
С. Арабистони	2	0	1	4-3	6
Бельгия	2	0	1	2-1	6
Марокко	**0**	**0**	**3**	**2-5**	**0**

ЭСЛАТМА: нимчорак финал учрашувлари ҳақидаги маълумотларни кейинчалик эълон қиламиз.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» ниҳоласи учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисоднёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-66; Фарғонада — 6-3716.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.30
Г—1037 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, А. ПУЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.